


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Олий суд Аппарати**  
**раҳбари**

 А.Холмахматов

**Тезкор йиғилиш баённомаси**

2024 йил 5 август

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** А.Холмахматов

**Қатнашдилар:** Олий суд ижро аппарати  
таркибий тузилмалари  
раҳбарлари

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг 2024 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолияти очиқлигини таъминлаш тўғрисида”ги 8-сонли Фармойиши ижросини ташкиллаштириш ҳақида.**

*А.Холмахматов, А.Абидов, Ж.Садинов, М.Мухитдинов, С.Ходжамуратов,  
К.Мадрахимов, Ф.Маликов, М.Хасанова, А.Холмахматов*

Йиғилишда раислик қилувчи сўзга чиқиб, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш чораларини янада кучайтириш, тузилмаларнинг масъул ходимлари очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни Олий суднинг расмий веб-сайтида белгиланган муддатларда эълон қилиш, Олий суднинг расмий ижтимоий тармоқларига келиб тушаётган мурожаатларга жавоб қайтариш амалиётини йўлга қўйиш, бу вазифани Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасига юклаш, мазкур фармойиш ижроси учун масъул таркибий тузилмалар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз муддатида ва тўлақонли ижро этиш, масъул ижрочилар томонидан бажарилган ишлар юзасидан таркибий тузилма раҳбарлари Олий суд аппарати раҳбарига ҳар чорақда ахборот бериш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур масала юзасидан жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази бошлиғи А.Абидов сўзга чиқиб, судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида таркибий тузилмалар томонидан Олий суднинг

расмий веб-сайтига жойлаштирилиш лозим бўлган очиқ маълумотларни ўз вақтида бериб борилиши лозимлиги, ижтимоий тармоқларда чиқарилаётган ахборотларга ўз вақтида муносабат билдирилиши кераклигини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиб ўтишди.

Таъкидланганлардан келиб чиқиб, тезкор йиғилиш

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Йиғилишда кўрсатиб ўтилган вазифалар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ишчи гуруҳи аъзолари:

Фармойиш ва унинг иловаларига асосан зиммаларига юклатилган вазифаларни белгиланган муддатларда сифатли ижро этилишини таъминласин.

- **15 августга қадар** Аппарат раҳбарига ўзларига юклатилган вазифалар ижроси юзасидан дастлабки амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берсин;

- **ҳар чоракда** судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш чора-тадбирлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиб борсин.

3. АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ж.Умаров:

- таркибий тузилмалар томонидан тақдим қилинган маълумотларни Олий суднинг расмий веб-сайтига ўз вақтида ва сифатли жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи С.Ходжамуратов:

- Олий суднинг расмий ижтимоий тармоқларига келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи Ж.Садинов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Ж.Садинов